



**ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

## Саломатлигимизга аввало ўзимиз масъулмиз

Шифокорлар ўзларига ажратилган ҳудудларда аҳоли саломатлигини назорат қилади. Бироқ ҳар бир одам ўз саломатлиги учун аввало ўзи жавобгарлиги, бунинг учун соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиш зарурлигини уқтириб борамиз.



«Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли дастурни шакллантиришда тиббий маданиятни оширишга қаратилган кенг қўламли тушунтириш ишларига алоҳида ўрин бериш аниқ муддао бўлади».

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари ҳақида тўхталар экан, шу фикрни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Мазкур ҳолатни ҳаётга татбиқ этишда ЎзХДП ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Тошкент вилоят партия кенгаши ташаббуси билан Паркент туманининг Сўқоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган давра суҳбатиди шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

▶ Давоми 2-бетда.

**ШУКРОНАЛИК**

## Тинчлик — энг олий неъмат

*Илгари ҳам бизни турли тadbирларга чақириб, йўқлаб туришарди.*



*Аммо чин маънодаги эъзозни Мустақиллик йилларида кўрдик. Президентимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрликларидан миннатдормиз. Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида бизни рағбатлантириш тўғрисида Фармон қабул қилинади. Гап фақат моддий рағбатда эмас. Асосийси, эътибор, қадр.*

Биринчи гуруҳ ногирониман. Бир гапни айтишим керак, давлатимизда жисмоний имконияти чекланган одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доим юқори ўринда туради. Бизга қатор имтиёزلар берилган.

1943 йилда, 18 ёшимда ихтиёрий равишда урушга кетганман. Уша пайтда раҳматли акам ҳам фронтда эди. Уруш ўз номи билан уруш. Уруш келтирган фожиалар, талафотларнинг адоғи йўқ. Кимдир отаси, кимдир фарзанди, ака-укасидан ажралди. Уша пайтда оқолда ётганимда бунақа дориломон кунлар келишини тасаввур ҳам қила олмадим.

Мен ҳаво қўшинлари сафида эдим. Қарийб етти йил ҳарбий хизматда бўлдим. 1950 йилда Ўзбекистонга қайтдим. Низомий номидида педагогика институтининг тарих факультетини тамомладим. Фан номзоди илмий даражасини олдим.

Учта фарзандим, 11 нафар набирам, 16 нафар эварам бор. Келаси йил 90 ёшга тўламан. Хозирданок юбилей режасини тузаяпмиз. Дўстларим, яқинларим даврасида бу кунни нишонлашни ният қилганман.

Шукр, шу кунларга етиш насиб этди. Биз — уруш нималигини кўрган одамлар учун тинчлик — энг олий неъмат. Шу боис ҳам Президентимизнинг тинчлик сиёсатини қаттиқ туриб қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни ўт-оловлардан асраб олиб келаётгани учун у кишидан ниҳоятда миннатдормиз. Юртимизнинг тинчлигига кўз тегмасин.

Фатхулло НАРЗУЛЛАЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

## Ишимизга холис баҳо беришимиз

бугунги кун талабидан келиб чиқиб, меҳнат қилишимиз лозим



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги пленумида асосий эътибор ўтган йилги фаолият таҳлили, жорий йилдаги устувор вазифаларга қаратилди.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, 2011-2014 йилларга мўлжалланган партия Ҳаракат дастурига қўшимчалар киритиш, партия гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, тарғибот-ташвиқотда янги усуллардан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

▶ Давоми 2-бетда.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси**

**бозор иқтисодиёти хусусий манфаатларга эмас, балки ижтимоий йўналтирилган бўлиб, жамият манфаатларига хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблайди.**

## Таклифлар қуйида шаклланиб, фракцияга етиб бориши керак

**ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ**

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари иштирокида навбатдаги сиёсий ўқув «Электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш» мавзусида ўтказилди. Тадбирга кетаётиб, йўл-йўлакай Олмасор туманидаги 15-оилавий поликлиникадаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Мастура Собирова билан учрашиб қолдик ва суҳбатимиз бевосита сиёсий ўқув мавзусига улашиб кетди.

→ 2

## Самарқанд вилояти: 10 мингга яқин иш ўрни яратилади

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ**

Вазирлар Маҳкамасининг «2014-2016 йилларда Самарқанд вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш Дастурига мувофиқ вилоятда жорий йил қиймати 524,4 миллиард сўмга тенг бўлган жами 473 та лойиҳани амалга ошириш ва 9355 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида йилнинг 1-чорагида қиймати 72,6 миллиард сўмга тенг 111 та лойиҳа бажарилди ва 1504 та янги иш ўрни ташкил этилди. Вилоятнинг sanoat салоҳиятини

юксалтириш, айниқса, туманларда янги, замонавий корхоналар бунёд этиш ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 87, Ургут туманида 62, Самарқанд ту-

мани ва Каттакўрғон шаҳрида 34, Нарпай туманида 28 та sanoat корхонаси ташкил этилиши белгиланган. Бугунги кунда ушбу корхоналарни барпо этиш, уларни хорижийнинг энг сунгги асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мавжуд корхоналарни қайта реконструкция қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётипти.

Умумий қиймати 13,1 миллион АҚШ доллариллик чет эл инвестициясини жалб этиш кўзда тутилган. Хусусан, Иштихон туманида бунёд этилаётган лойиҳага 6,0 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги

хорижий инвестициялар киритилиши белгиланган бўлса, Ургутдаги 6 та замонавий корхона учун 4,1 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги хорижий сармоя жалб этилади. Албатта, буларнинг бarchаси вилоятнинг sanoat салоҳиятини янада мустаҳкамлаш билан биргаликда, ички бозорни рақобатбардош махсулотлар билан тўлдирish имконини беради. Янги иш ўринлари яратилиши эвазига юзлаб оилаларнинг турмуш фаровонлиги янада юксалишига эришилади.

Абдували ХУДОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

## Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантиришни талаб этади



www.uzbekistonovozi.uz

**Акmal ТУРСУНБОЕВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудир:**

— Аввало, бошланғич партия ташкилоти етакчиси ўз зиммасига юклаган вазифа нақадар масъулиятли эканини чуқур ҳис қилиши, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир этувчи имкониятга эгалигини англаб етишига эришиши керак. Айниқса, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда юқори партия ташкилотлари, депутатлар билан бир қаторда, унинг ҳам катта ҳиссаси борлигини тушуниши муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун партиямиз тизимида бошланғич ташкилотга эътиборни янада кучайтириш, унга энг муҳим таклифларни шакллантирадиган, электоратга таъсир кўрсата оладиган катта куч сифатида қарашимиз лозим. Қолаверса, етакчилар билан турли семинар-тренинглар ўтказиш, уларнинг сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириб боришимиз зарур. Шунда партиямиз гоълари аҳоли орасида янада кенг тарғиб этилади, бошланғич партия ташкилоти имкониятидан тўлақоли фойдаланишга шароит яратилади.

**БИР САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ**

Сиёсий партиянинг жамиятда мустаҳкам ўрин топиши, ўз дастурий мақсадлари изчил амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Бошланғич ташкилотнинг фаол ишлаши эса кўп жиҳатдан етакчига боғлиқ. Демак, етакчиларнинг билимини юксалтириш, энг муҳими, уларнинг манфаатдорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун нимага эътибор қаратмоқ керак?

**Маъмура САФОЕВА,**

**Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси:**

— Бошланғич партия ташкилоти етакчиси ўз зиммасидаги масъулиятини қанчалик чуқур ҳис этса, шунчалик ғайрат билан ишлайди. Қуйи бугун партиянинг асоси, ҳаракатга келтирувчи куч сифатида катта ишларга қодирлигини ҳар бир етакчи билиши ва бунга ишонishi муҳим ҳисобланади.

Яна бир масала. Бошланғич ташкилот етакчисининг таклифлари ҳаётга татбиқ этилса, бундан аҳолининг муаммолари ечилса, унинг ишга бўлган муносабати кескин ўзгаради. Бунинг учун бошланғич ташкилотлар билан узвий алоқада бўлиш, уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш ва ташаббусларини рағбатлантириш лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясида «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таклифлар муҳокама қилинди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сониди танишасиз.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



# Ишимизга ҳолис баҳо беришимиз

бугунги кун талабидан келиб чиқиб, меҳнат қилишимиз лозим

— Ўтган йилги фаолиятимизни танқидий кўриб чиқиб, бундан ўзимизга ҳолис хулоса чиқариб олишимиз керак, — деди **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қуватбой Қурбанбаев**.  
— Ҳаракат дастурига кўра, партия гуруҳларимиз 2013 йилда 16 та масалани ўз йиғилишларида кўриб чиқди. Шундан 8 таси доимий комиссиялар мажлисларида ҳамда 6 масала сессияларда муҳокама этилди. Бундан ташқари, электрот манфаатларини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан яна 4 масала партия гуруҳларида, шундан 3 таси доимий комиссияларда ҳамда 3 таси сессияларда кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Беруний, Амударё, Чимбой, Кегейли, Тўрткўл, Қўнғирот, Тахтақўпир туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз сессиялар кун тартибига масала киритган. Партия гуруҳларимиз ташаббуси билан Эллиқалъа, Қанлиқўл, Хўжайли туман Кенгашлари доимий комиссиялари мажлисларида қатор ижтимоий масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, Мўйноқ ва Шуманай туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз йиғилишларида қатор масалалар муҳокама этилган. Айни пайтда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан тизимли назорат ўрнатилган.  
Жорий йилда фаолиятимизни янада кучайтириш, аҳолининг ижтимоий

қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами орасига янада чуқур кириб бориб, уларни ташвишга солаётган муаммолар ечими бўйича таклифларимизни қатъият билан илгари суришимиз керак.

**Пленумда партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ўрнатиш орқали «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белги-ланган устувор вазифаларни бажариш масаласига жиддий эътибор қаратилди.**

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белги-ланган вазифалар, олдимизда турган катта синовлар ҳар бир йўналишда ишимизни жиддий кучайтиришни талаб қилади, — деди **Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Қозоқбой Жанибеков**. — Жумладан, ЎзХДП маҳаллий ташкилотлари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари Давлат дастурига ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириши лозим.

Биз бу мақсад йўлида тўпланган тажрибамиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз салоҳиятидан унумли фойдаланишимиз зарур.

— Миллий қонунчилигимизга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг назорат функцияларини мустақамлаш бўйича кўп-лаб нормалар киритилмоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова**. — Бу барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг аниқ вазифаларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятини янада самарали ташкил этиш ҳамда тизимли назорат ўрнатиш

▲ Аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами орасига янада чуқур кириб бориб, уларни ташвишга солаётган муаммолар ечими бўйича таклифларимизни қатъият билан илгари суришимиз керак.

имкониятларини кенгайтиради. Шу боис партия гуруҳлари фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш, депутатларнинг ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Пленумда партия электрот манфаатини ҳимоя қилишни янада тақомиллаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам атрафлича муҳокама этилди. Кун тартибиданги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Мнажратдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

# Саломатлигимизга аввало ўзимиз масъулмиз

— Қачонки ота-она соғлом бўлса, соғлом фикрласа, оилада соғлом муҳитни барпо этса, ўша хонадонда соғлом фарзанд дунёга келди ва ўсади, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов**. — Биз кўпгина тиббий маданият тушунчасига юзани қараймиз. Шу боис ҳам аҳоли орасида бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни мақсад қилганмиз. Бугунги давра суҳбатига шифокорлар, мутахассисларнинг жалб этилгани замирида ҳам айнан шу мақсад ётибди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда аҳолининг соғлигини мустақамлаш борасида партияимиз илгари сураётган гоғлардан келиб чиқиб, йил давомида бундай тадбирларни олис қишлоқларда кўплаб ўтказишни режалаштирганмиз.



— Ҳақиқатан ҳам, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш баркамол авлодни дунёга келтиришга пойдевор бўлади, — деди **«Сўқоқ» КВП бош шифокори Муҳиддин Усмонов**. — Қишлоғимизда 11093 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан туғуруқ ёшдаги аёллар 3068 нафар, 14 ёшгача бўлган ёшлар 3053 нафарни ташкил қилади. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар 673 нафар ўсмир тулки тиббий кўриқдан ўтказилди, уларга шифокорлар томонидан тегишли тавсиялар берилди. Ёшлар билан бирга оналар, кексаларнинг ҳам саломатлиги учун кайғураемиз. Шифокорлар ўзларига ажратилган ҳудудларда аҳоли саломатлигини назорат қилади. Шу билан бирга, биринчи ўринда ҳар бир одам ўз саломатлиги учун аввало ўзи жавобгарлиги, бунинг учун соғ-

лом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиш зарурлигини ўқитиб бораемиз.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев, Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Нишонов, Паркент туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Фахриддин Шерматов ва бошқалар қишлоқ жойларда хотин-қизлар ҳамда болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш сиғилани янада ошириш, соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш масалаларида фикр билдиришди.

Саломатлик масалалари юзасидан аҳолини қизиқтирган саволларга мутахассислар батафсил жавоб берди.

**Гуруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

▲ Давоми. Боши 1-бетда.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

# «Ватан келажаги сенинг қўлингда»

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократлаштириш ва модернизация жараёнларини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятимизда кечаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунириш, уларни бу жараёнга янада фаол жалб этишда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти зиммасида ҳам катта вазифалар турибди. **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ватан келажаги сенинг қўлингда» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатидан ушбу масалалар қизгин муҳокама этилди.**

— Бугунги кунда ёшлар дунёда кечаётган сиёсий жараёнлардан огоҳ бўлиб, уларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқара олиши ўта муҳим аҳамиятга эга, — деди **ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Раммонберган Сабуоров**. — Ватанимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги ва фаровонлигига раҳна солувчи ёт гоғлар, «оммавий маданият» хуружига учрамаслик учун ҳар доим хушёрлик ва огоҳлик талаб қилинади. Бирор бир сиёсий партия фаолиятида қатнашаётган, унинг гоғларини амалга оширишда иштирок этаётган ёшлар ҳеч қачон ёт гоғлар тасъирига тушиб қолмайди. Чунки, улар ўз мақсадида, мустақил фикрига эга бўлади. Шунинг учун партияимизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида амалий тадбирлар ўтказяпмиз. Айниқса, касб-хунар колледжлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, йилгит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ижтимоий-сиёсий фаол, ўз салоҳияти ва иқтидорини намоян қилаётган сиёсий жараёнлардан огоҳ бўлиб, уларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқара олиши ўта муҳим аҳамиятга эга, — деди **Урганч давлат университети талабаси Ойдинно Жуманиёзова**. — Мен ҳам улардек бўлишга интиляман. ЎзХДПнинг хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини кўриб, яқинда унга аъзо бўлдим. «Истиқбол» ёшлар қаноти, партия тадбирларида иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билимини мустақамлаб боришимизда қатнашаётган, унинг гоғларини амалга оширишда иштирок этаётган ёшлар ҳеч қачон ёт гоғлар тасъирига тушиб қолмайди. Чунки, улар ўз мақсадида, мустақил фикрига эга бўлади. Шунинг учун партияимизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида амалий тадбирлар ўтказяпмиз. Айниқса, касб-хунар колледжлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, йилгит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ижтимоий-сиёсий фаол, ўз салоҳияти ва иқтидорини намоян қилаётган сиёсий жараёнлардан огоҳ бўлиб, уларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқара олиши ўта муҳим аҳамиятга эга, — деди **Урганч давлат университети талабаси Ойдинно Жуманиёзова**. — Мен ҳам улардек бўлишга интиляман. ЎзХДПнинг хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини кўриб, яқинда унга аъзо бўлдим. «Истиқбол» ёшлар қаноти, партия тадбирларида иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билимини мустақамлаб боришимизда қатнашаётган, унинг гоғларини амалга оширишда иштирок этаётган ёшлар ҳеч қачон ёт гоғлар тасъирига тушиб қолмайди. Чунки, улар ўз мақсадида, мустақил фикрига эга бўлади. Шунинг учун партияимизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида амалий тадбирлар ўтказяпмиз. Айниқса, касб-хунар колледжлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, йилгит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ижтимоий-сиёсий фаол, ўз салоҳияти ва иқтидорини намоян қилаётган сиёсий жараёнлардан огоҳ бўлиб, уларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқара олиши ўта муҳим аҳамиятга эга, — деди **Урганч давлат университети талабаси Ойдинно Жуманиёзова**. — Мен ҳам улардек бўлишга интиляман. ЎзХДПнинг хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини кўриб, яқинда унга аъзо бўлдим. «Истиқбол» ёшлар қаноти, партия тадбирларида иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билимини мустақамлаб боришимизда қатнашаётган, унинг гоғларини амалга оширишда иштирок этаётган ёшлар ҳеч қачон ёт гоғлар тасъирига тушиб қолмайди. Чунки, улар ўз мақсадида, мустақил фикрига эга бўлади. Шунинг учун партияимизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида амалий тадбирлар ўтказяпмиз. Айниқса, касб-хунар колледжлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, йилгит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Васила СОБИРОВА, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори муdiri.**

# Таклифлар қуйида шаклланиб, фракцияга етиб бориши керак

— Бошланғич ташкилотимизда партияимизнинг 50 нафардан ортиқ аъзоси бор, — деди у. — Уларнинг ҳуқуқий билими, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунки фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти қанча юксак бўлса, ислоҳотларга тасъирини шунчалик кучли бўлади. Бу борада партия кенгашлари ва депутатлар билан мустақам ҳамкорлик қиламиз. Масалан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар бўйича ўтказилаётган давра суҳбатларида халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари ҳам мунтазам иштирок этиб, қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини, ислоҳотлар самарасини ҳаётий мисоллар асосида тушунириб беришди.

Суҳбатдошимиз ўзи етакчилик қилаётган бошланғич ташкилот фаолияти, партия тизимида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди ва манзилга етгач, бир фикрни алоҳида таъкидлади:  
— Қуйи бугун қандай ишлаши, биринчи навбатда, аъзолар масъулиятига боғлиқ. Ҳар бир аъзо изланувчан бўлиб, янги-янги ташаббуслар билан чиқарса, партия дастурий мақсадлари шунча самарали амалга ошади. Шу боис, аввало, партия аъзолари билан ишлашни янада тақомиллаштириш керак, деб ўйлайман. Бугунги тадбирга шу бўйича ўз таклифларини билдирмоқчиман...

Сиёсий ўқув ана шундай таклиф ва мулоҳазалар билан янада қизиқарли ўтди. ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходим-



лари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ЎзХДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида сиёсий партиялар иштироки, улар олдида турган вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятидаги ўзаро узвийликни кучайтириш масалаларига ургу беришди.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Ижтимоий масалаларга самарали ечим топиш, одамларнинг партияга ишончи кўп жиҳатдан сиёсий партиянинг жамият ҳаётига қанчалик чуқур кириб боришига боғлиқ. Бунда, шубҳасиз, партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги алоқа янада мустақам бўлиши лозим. Сабаби партия ташки-

лоту жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи сиёсий институт ҳисобланса, депутатлар ҳудудларда ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Электрот манфаатини ҳимоя қилишда улар бир-бирини тўлдирди, партия депутатлар-сиз, депутатлар уларни бирлаштирадиган партия билан ҳамкорликсиз бирон-бир аниқ натижага эриша олмайди. Шун-

дай экан, албатта, улар ўртасида изчил муносабатларни янада кучайтириш талаб этилади.  
Тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари таъкидлашдики, бугун қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш, қабул қилишда депутатлар ҳамда сиёсий партияларнинг фракцияларига катта им-

Партиянинг жамиятдаги таъсир кучи кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар ва депутатларнинг ҳамкорлиги ҳамда ташаббускорлигига боғлиқ.

▲ Давоми. Боши 1-бетда.

Шунингдек, семинарда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари Муҳаммад Раҳматуллаева, Нигора Эшметова-лар сўзга чиқиб, мавзу юзасида мулоҳазаларини билдирди. Муҳокамалар давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг фаол иштирокчини таъминлаш масаласи юзасидан ҳам кўплаб фикрлар айтилди.

**Лазиза ШЕРОВА**

▲ Давоми. Боши 1-бетда.

ДИҚҚАТ: ТАКЛИФ!



Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғидан бири пахтачилик ҳисобланади. Жаҳонда пахта толасига бўлаётган талабнинг кун сайин ошиб бориши пахта ҳосилдорлиги ва унинг сифатини янада яхшилашни тақозо этади. Бу борада мамлакатимиз илмий текшириш институтлари, турли илмий марказларда тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жойлардаги соҳа мутахассислари, фермерлардан таҳририятимизга ўз тақлифлари газета саҳифаларида ёритилишини сўраб, муножаатлар ҳам бўлмоқда. Шулардан бири, соҳа мутахассиси, ЎзДП Бекобод туман кенгаши аъзоси Абдурашид Холиқулловнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, хусусан, туپроқ унумдорлигини яхшилаш борасидаги тақлифларидир.

— Менинг тавсияларим жуда оддий ва уни амалиётга жорий этиш катта маблаг талаб қилмайди. Маълумки, бугун дунё қишлоқ хўжалиги соҳасида бўлгани каби республикамизда ҳам туپроқ унумдорлигини ошириш масаласи долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, биз туپроқ унумдорлигини ошириш бўйича қатор тақлифларни тавсия этаёلمиз.

**Бунинг технологияси қуйидагича:** чорва гўнгини 20-25 кун муддатда қазилган хандқак ёки махсус жойларда суяк ҳолатда сақлаш лозим. Бу муддат давомида чорва гўнги таркибидаги бегона ўтларнинг уруғлари маълум даражада чирийди. Натижада, далага оқизилаётган гўн таркибида бегона ўтлар уруғининг тарқалиши кескин камаяди.

**Иккинчи тақлифимиз.** Маълумки, чорва гўнги таркибида турли хашарот ва зараркундаларнинг уруғи мавжуд. Агар юқоридики ҳолатдаги, яъни суяк тирилган гўннинг ҳар бир тоннасига 20 килограмм микдор-

да аммофос ёки суперфосфинг сувдаги эритмаси аралаштирилса, унинг таркибидаги зарарли хашаротлар уруғи ўлади. Бу ҳам пахта майдонларини ҳар хил зараркундалардан асрайди.

**Учинчи тақлифимиз шундан иборатки,** охириги йилларда жаҳонда юз бераётган об-ҳавонинг глобал иситиш натижасида ёз ойларида ҳаво ҳароратининг 45-50 даражага кўтарилиши кузатилаётганда. Бу эса ердаги намнинг тез кўтарилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда чорва гўннинг далага шарбат ҳолатида оқизилиши туپроқда намликни кўпроқ тўплаш ва сақлаш ҳамда туپроқнинг сув-физик хусусиятларини яхшилашди. Пировадиди унинг унумдорлигини оширади. Бу борада фермер хўжаликлари ўз имкониятидан келиб чиқиб, кичик ҳажмдаги бетонланган хандқакларни тайёрлаш ва қўллашлари мумкин.

— **Шу ўринда сизга савол, олдинлари ҳам чорва гўнни шарбат усулида оқизиш мавжуд бўлган-ку, ёки...**

# Меҳнат сарфи камаёди, ҳосилдорлик ошади

Партиямиз фаолларидан бири, Бекобод туманидаги «Тонг» фермер хўжалиги ҳисобчиси Абдурашид Холиқулловнинг изланишлари ҳақида

**Қиблага қаратиб олинган эгатлар орасида шабаданнинг яхшироқ юриши таъсирида ҳаво ҳарорати юқори пайтларда ҳам экин иссиқламайди.**



— Тўғри, авваллари ҳам бу усулдан фойдаланилган. Бироқ чорва гўнги таркибидаги бегона ўт уруғлари ҳамда хашарот ва зараркундаларни камайириш ҳолатлари кўзда тутилмаган.

Мен яна қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда ерларни қиблага қарата қиялатиш ва пахтага қиблага қаратиб тик экиш тартиби хусусида ҳам тўхталмоқчиман. Уларнинг амалиётдаги фойдасини мисоллар тариқасида тушунтиришга ҳаракат қиламан. Масалан, пахтачиликда, бир вақтда, бир хил иқлимли шароитда экилган, бир хил ишлов берилган ерларда қиятоп ерга қараганда текис ерлардаги пахтанинг 40-50 кунлик вегетацияси даврида 4-5 кунчақ ҳажмдаги бетонланган хандқакларнинг таъсирида, қиятоп ерларда нам етарли даражада бўлиб, пахта ниҳолларининг текис ерга қараганда 1-2 кун эрта чиқиши ҳамда 4-5 фоизгача кўчат кўп олиниши кузатилади. Шунингдек, текис ер-

ларни суғоришда ернинг пастилдорлиги ҳисобига қиятоп ерни суғоришга нисбатан бирикми кун кўп вақт кетмоқда ҳамда кўп вақт ўқариқ олиниши натижасида пасткам ерларда сувнинг кўп микдорда тўпланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

**Энди аниқ тақлифим қуйидагича:** Ерларни имкон даражада қиблага қаратиб қиялатиш керак. Шундай қилинганда сув қиблага қараб яхши оқади. Унинг бир текис тўхтовсиз оқиши натижасида пахта даласини тезда сувдан чиқариб ола билади. Қиблага қаратиб олинган эгатлар орасида шабаданнинг яхшироқ «юриши» таъсирида ҳаво ҳарорати юқори пайтларда ҳам экин иссиқламайди.

Ерларни қиялатиш орқали қуйидагиларга эришсак бўлади: сув сарфи камайиб, сувни қисман бўлса-да, тежаш имконияти вужудга келади; суғориш ишларини олиб бориш энгиллашади; ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмонлашуви-

нинг олди олинади; қиятоп ерларнинг юмшоқроқ-пурсилдоқ ҳолда сақланиши ернинг зичлашиш даражасини камайтиради; меҳнат сарфи оз бўлса-да камаёди; бегона ўт босиш хавфи камаёди; ғўза қатор ораларига ишлов бериш сифати яхшиланади.

Халқимизда «ерни сув бузадди» деган мақол бор. Экинзорларда сувдан тежамкорона фойдаланишнинг ўзи ер қувватини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини инобатга оладиган бўлсак, ерларни қиялатиш ўзига ҳофийдали йўналишидир. Ерларни қиялатиш градусини аниқлашда ҳар

бир ер контури ҳолатидан келарди. Ерларни қиблага қарата қиялатишнинг имконияти бўлмаган жойларда уруғлик чигитни қиблага қарата тик экишни йўлга қўйиш керак. Бунинг учун биргина қибладан эсаётган шабада йўналишини тўғри аниқлаб олиш кифоя.

— **Яна бир савол. Ҳўш, ушбу ишлар амалга оширилса, пахта ҳосилдорлиги қандай ижобий самараси бўлади?**

— Ўртача ҳосилдорликни 1,5-2 центнергача ошириш имкони мавжуд. Ўзим ишлаган хўжаликларда буни синаб кўрганман.



Мақолани тайёрлаш жараёнида биз маъқур тақлифлар хусусида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази мутахассисларининг фикри билан қизиқдик.

**Ренат НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим бошлиғи, профессор:**


— Маълумки, республикамизда табиий ҳолда ҳосил бўлган қиялик майдонлар кўп. Шунингдек, текисланган ерларда ҳам қисман бўлса-да, «қўллайдиган» жойлар пайдо бўлиши кузатилади. Бундай ҳолларда ғўза уруғининг чириши кўпаяди. Бунинг натижасида ғўза кўчатининг кам олиниши, экинзорларни бегона ўт босиш хавфи келиб чиқади. Айниқса, халқоб ерларда ажриқ ва бошқа турдаги бегона ўтлар тез ривожланади. Абдурашид Холиқуллов тақлиф этаётган, яъни ерларни қиблага қарата тик экиш ишларини ҳамма ерларда тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Шу

билан бирга имконияти бор майдонларда, чигит қиблага тик ҳолда экилса, қибладан эсаётган шабаданнинг «юриши» яхшиланиши оқибатида ғўза ниҳолларининг ўргимчаккана билан зарарланиши камаёди. Шунингдек, ўта иссиқ ҳарорат таъсирида ғўза сўлиш ҳолатини қисман бўлса-да, олди олинади.

Ушбу тақлифлар деҳқончилик учун янги йўналиш бўлгани боис газетангиз орқали бу масалада баҳс-мунозара олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Маъқур тақлифлар бўйича мутахассислар, фермерлар ўзларининг амалиётда синаб кўрган тажрибаларини таҳририятга ёзма равишда билдиришга, пахтачиликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшган бўлар эдилар...

**«Ўзбекистон овози» мухбири Обиддин МАҲМУДОВ тайёрлади.**



## Сунъий қон



### синовга тайёр

Эдинбург университетининг тадқиқот лойиҳаси бошқарувчиси, Шотландия қон куйиш миллий хизмати директори Марк Тернер «The Times» газетаси журналистига берган интервьюсида айтишича, улар илк бор инсон организми учун яроқли қизил қон таначаларини сунъий йўл билан олишга муваффақ бўлдилар.

2016 йили кенг миқёсда олиб борилиши мўлжалланаётган тадқиқот натижалари ушбу қизил қон таначаларини сановат миқёсда ишлаб чиқариш имконини яратди ва доно қони ўрнини боса олади.

Кейинги икки-уч йилда ўтказиладиган синовлар доимий равишда қон куйиш талаб қилинадиган оқ қон хасталигига чалинган уч нафар беморда ўтказилади. Уларга дастлаб 5 миллилитрдан сунъий йўл билан олинган қон қуйилади. Бу организм табиий равишда мазкур қонни қабул қила олиш-олмаслиги ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Маъқур илмий лойиҳада Эдинбург университетида ташқари Глазго, Лафборо, Бристол ва Кембриж университетлари ва бошқа илмий ташиқлотлар олимлари ҳам қатнашмоқда.

Профессор Тернер шуни алоҳида таъкидладики, сунъий йўл билан олинган қон донорлик ҳаракатига барҳам бермайди.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Баҳор келиши билан қир-адирлар ва ариқ бўйларидан ҳар хил турдаги замбуруғ ва кўзиқоринлар кўпаяди. Баҳор неъматли бўлган ушбу маҳсулотларни бозорларда ҳам кўрасиз. Ҳозир айнан кўзиқоринхўрлик авжига чиққан палла ҳисобланади. Лекин уларнинг ҳаммасини истеъмолга яроқли, деб бўлмайди. Замбуруғ ва кўзиқоринлар ичида заҳарлилари ҳам борки, уларни истеъмол қилиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

# Кўзиқориндан заҳарланиб қолманг!

Республика Давлат санитария-эпидемиология хизмати матбуот маркази раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали врач Нуриддин Тошбоев билан суҳбатимиз ана шу мавзуга бағишланди.

— Замбуруғларнинг табиатда 100 мингдан ортиқ тури маълум. Улар ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг оралиғида бўлган алоҳида гуруҳ ҳисобланади. Систематик таркиби бўйича улар 6 синфдан иборат бўлиб, 3 навабатида, 2 та катта, яъни микромицет ҳамда макромицетларга бўлинади. Макромицетлар кўзга кўринадиган мева танаси билан характерланади ва улар ўсимлик танасида сапрофит ёки паразит ҳолатда ҳаёт кечиради. Бу синф вакилларининг табиатда 3500 дан ортиқ тури фанга маълум. Макромицетларнинг асосий қисми қалпоқчали замбуруғлар бўлиб, улар заҳарли, истеъмол учун яроқли ва яроқсиз турлардан иборат. Сановат корхоналари ва катта йўл атрофида ўсган кўзиқоринлар ҳар хил газ ва тутунлар натижасида истеъмолга яроқсиз ҳолга ҳам келиши мумкин. Тузланган ёки мариновка қилинган кўзиқоринларни руҳланган идишларда сақлаганда заҳарланиш рўй бериши эҳтимоли кучли. Шунинг учун уларни бундай идишларда сақлаш тавсия этилмайди.

Мамлакатимизда қалпоқчали замбуруғларнинг 170 дан

ортиқ тури маълум. Шулардан 16 га яқин тури истеъмолга яроқли, 7 тури заҳарли ва қолганлари истеъмол учун яроқсиздир. Истеъмол қилиш мумкин бўлган ва заҳарли кўзиқоринларни турларга ажратиш жуда мураккаб. Кўп ҳолларда улар бир-бирига ўхшаб кетади. Истеъмолга яроқли кўзиқоринларга оқ кўзиқорин, қизил кўзиқорин, шампиньон ва опёнок киради. Қизил мухамор, кулранг мухамор, сатанин, саркич сохта кўзиқорин ва бошқалар заҳарли кўзиқоринлардир.

Сморчок ва строчок кўзиқоринларидан ноўғри таом тайёрланганда ҳам заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин. Таркибида заҳарли геливелат кислота бўлиб, у сувда яхши эрийди, шунинг учун сморчок ва строчок кўзиқоринларини истеъмол қилишдан олдин қайнатиб, сувини тўкиб ташлаш керак.



чиқадиган ис газлари ва заҳарли моддаларни улар ўз таркибига сингдириб олади.

— **Замбуруғ ва кўзиқориндан заҳарланганлик ҳолатини қандай билса бўлади? Нималарга эътибор қаратиш лозим?**

— Кўзиқориндан заҳарланган вақтда касаллик белгилари истеъмол қилинган кўзиқориннинг турига қараб намоён бўлади. Масалан, қизил мухамордан заҳарланганда касаллик белгилари бир-икки соат ўтган биланади. Асаб тизими фаолиятида ўзгаришлар заҳарланиш учун характерли белги ҳисобланади. Бундан ташқари, сўлак оқиши, кўз терлаш, кўздан ёш оқиши кузатилади, томир уриши секинлашади ва суस्ताшади. Алаҳсираш, титраш рўй беради. Кўз қорачиғи кенгайди ёки тораяди.

Бундай ҳолатларда беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатилса, одатда бир-икки кундан кейин соғайиб кетади. Ўз вақтида даво чоралари кўрилмагача, беморнинг аҳволи оғирлашиб, бу ҳолат фожиали яқун топиши ҳам мумкин.

Бундай ҳолатларда беморларнинг кузатилаётган ҳолатларини кузатишлари учун ҳар бир шахс керакли адабиётлар ва шу мавзудаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўзиқоринларнинг истеъмолга яроқлисини билиб олиши керак. Бозорлар ва савдо дўконларидан

**Ўз вақтида даво чоралари кўрилмаса, беморнинг аҳволи оғирлашиб, бу ҳолат фожиали яқун топиши ҳам мумкин.**

кўзиқорин харид қилмоқчи бўлсангиз, гигиеник ва мувофиқ сертификатлари ҳамда ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси мутахассислари томонидан берилган маълумотномани талаб қилишингиз лозим бўлади. Дала ҳовлиларда, яйловларда ва ариқ бўйларидан ўсган ҳар хил турдаги кўзиқоринларнинг истеъмолга яроқли ёки яроқсизлигини билмасдан истеъмол қилиш таъқиқланади. Акс ҳолда, саломатлигингизга ўзингиз хавф солган бўласиз.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ суҳбатдоши.**

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Жамгарма кўмагида

12 021,0 минг АҚШ долларига яқин маҳсулот экспорт қилинди

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамгармасининг Наманган вилоят филиали томонидан хўжалик субъектлари, фермер хўжалиқлари экспорт шартномалари тузиш, маҳсулотларини экспорт қилиш, чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда.



Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида 43 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шартномалар тузиш ва рўйхатга қўйишда кўрсатилган амалий ёрдам туфайли умумий қиймати 12 021,0 минг АҚШ долларига яқин маҳсулотлар Россия ва Украина давлатларига экспорт қилинди.

Ҳозирги кунда жамгарма томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришни эндигина бошлаган «Нафис Текст Групп», «Маъсудахон Файзабод савдо», «Grand mans wear» каби масъулият чекланган жамиятларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишда ташқи бозорларни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор изланмоқда. Шунингдек, вилоятнинг барча туманларида тадбиркорлар

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Жаҳон чемпионатига



### эмланган ҳолда...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бразилия соғлиқни сақлаш вазирлиги оғохлантиришича, жорий йил 12 июндан 13 июлгача Бразилиянинг Рио-де-Жанейро, Ресифи, Сальвадор, Сан-Паулу, Порт-Алегри, Манаус, Форталез, Натал, Бельу-Оризонт, Бразилия, Куябе ва Куритибе шаҳарларида ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари томошасига келувчи иштирокчилар қўлларидан кизилча хасталигига қарши эмланганлигини тасдиқловчи маълумотнома билан ташриф буюришлари лозим. Қимда бундай маълумотнома бўлмаса, футбол стадионларига қиритилмайди.

«Univision» нашри хабарига қараганда, бундай тартиб жорий этилишига сабаб бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида қизамиқ ва кизилча билан боғлиқ касалликлар тарқалишининг эпидемик тус олаётганидир.

Бундай касалликлар айни пайтда Бразилияда ҳам қайд этилган.

# Аввал кулдириб, кейин ўйлатадиган

карикатуралар энг яхши асарлардир...

## МАЪНАВИЯТ

**Карикатурачи-рассом Махмуд Эшонқулов билан суҳбат.**



### БОЛАЛИК

— Фаргона вилоятининг Бешарик туманида туғилдим, катта бўлдим. 5 яшарлигимни яхши эслайман. Мактабга боришга ёшим етмасди. Отам ўқимши киши бўлган. Уйда доим «Муштум» бўларди. Ҳали саводим чикмаган, кўрган сурат эди. Балки қизиқишим шундан пайдо бўлгандир. Рассомларнинг номини ёддан билардим. Отам бозорга борса, оқ қоғоз

олиб келишини тайинлардим. Қаламим бўлмагани учунми, биринчи расмларимни ручкада чизганман. У пайтларда расм ўқитувчиси йўқ ҳисоби эди. Математиками, мусиқа ўқитувчиси — фарқи йўқ, ким бўш бўлса, дарсга кирверарди. Ҳаёлимда расмга қизиқадиган одам йўқ эди. Мактабни битирар чоғимизда ҳам расм ўқитувчимиз бўлмаган.

### КАТТА ҲАЁТ

Отам «бу хунарингдан иш чиқмаса керак», деди. Бирктириб кўйрга бирор рассом йўқ. На илож, тирикчилик: савдода ишладим, ҳайдовчиликка ўқидим. Аммо кўнгилда барибир расм чизиш истаги қолди. 24 ёшларимда рассомчилик институтига тугатган кишига шоғирд тутидим. 7-8 йил ёнида юриб, ўргандим. Аста-секин рангтасвир йўналишига ўтдим. Тоғларга чиқиб, пейзаж-манзараларни чиза бошладим. Уйдаги машғулоти кўпроқ карикатура чизиш эди. Почта орқали газеталарга, айниқса, «Муштум»га жўнатиб турдим. Кейин Тошкентга, ҳозирги Низомий номидаги педагогика университетига ҳужжат

топширдим. Ўқишни яқунлаб, «Муштум»га ишга кирдим. Сўнг миниатюралар театрига ўтдим. Иш сабаб вақтим кам бўларди. Бир йилда бир-икки сурат чизардим, холос. 2003 йилдан бери бор кучимни фақат карикатура чизишга сарфлаб келаман.

— **Яхши карикатурачи бўлиш учун аввал яхши адабиётчи, яхши файласуф бўлиш керак, дейишади...**

— Отам жуда кўп китоб ўқир, бизга ҳам ўқиб берар эди. Кейин ўзимиз ўқийдиган бўлдик. Тил масаласи чатоқ эди. Мен фақат ўзбек тилидаги китобларни ўқий олар эдим. Уларнинг ичида шерьати ҳам, наср, ҳар хил фалсафий асарлар ҳам бор эди.

— **Донишмандлардан бири «Топилмасанг — ярат» деган экан.**

— Мавзуларни асосан ўйлаб топаман. Иқтисод, экология, спорт соҳаларидаги энг муҳим жараёнларни дунёвий кўринишда ифодалашга ҳаракат қиламан. Бунинг учун, аввало, жаҳон янгиликларидан пухта хабардорлик ва сиёсий билим керак. Рус, инглиз тилидаги адабиётларни ўқийман, уларни чуқурроқ тушулнишга уринаман. Балки галати туюлар, аммо халқ оғзига ижодимиз, айниқса, мақоллардан кўлаб карикатуралар яратганман. Қизиқ иборалар, айниқса, шерьларни ҳам карикатура

қилиб тураман. Томошабинни бир кўришда кулдирадиган, кейин жиддий ўйлатадиган карикатураларни энг яхши асарлар деб биламан.

### ЖАҲОНГА ЧИКИШ ИСТАГИ

— Инглиз тилини ўрганишимда интернетнинг ўрни катта. Чет эллик рассомлар билан турли мавзуларда ёзишиб юрдим. Мустақиллик йилларида бир қатор карикатураларимни бошқа рассомлар қаторида хорижга юбориш истаги уйғонди. Асарларимни халқаро танловларга жўнатдим. Улар менинг номимни ҳам рўйхатга киритишибди. Бир йилдан сўнг хат келди: турли мавзулардаги карикатураларимни сўрашибди. Юбордим.

Очигини айтсам, қайси давлатда ва қачон танлов бўлишини таниш-билишлар орқали билиб юрдим. Интернетни унчалик тушунмасдим, биладиган кишилар орқали танлов манзини аниқлаб, ижодий ишларимни жўнатавердим, жўнатавердим. Биттасидан жавоб келар деган умидим бор эди. Кейин интернетни мустақил ўргана бошладим. Ўзим қидирадиган, хат жўнатадиган бўлдим. Балки мени содда деб ўйларсиз, аммо бошида интернет-қадамлардаги бегона одамларнинг электрон почтасидан хат жўнатдим, ўзимники йўқ эди. Жавоб ҳам ушларга келган бўлса

керак. Уларни қайта кўрмасдим. Бир сафар хориждан «Илтимос, ўзингизнинг электрон манзинингизни юборинг» деган хат келди. Шундан бери интернетни яхшироқ ўрганишга тиришаман. Ҳозир ўзим мустақил ишлайман, керак бўлса ўргатиш ҳам қўлимдан келади.

— **Карикатураларингиз ўнлаб хорижий давлатларда савриндор бўлган. Ўзингиз ҳам бориб турасизми?**

— Асарларим мендан ўн қарра кўпроқ мамлакатларни кезган десам тўғри бўлади. Карикатураларимга эргашиб, тўртбеш давлатларни кўриб келдим. Асарларим интернет орқали танловларда қатнашди, савриндор ҳам кўпинча почта орқали қайтади. Бир карикатурам Сербиядаги халқаро карикатуричлар танловида «Олтин дубулға»ни кўлга киритибди. Махсус таклифнома юборишди ва мен тақдирлаш маросимига жўнаб кетдим. Хорватияда ҳам шу мукофот менга nasib қилди. Бир савринни қайта-қайта олган расмларим ҳам бор ёки бир асарим ўнлаб мукофотларни кўлга киритган. Уларни интернетдан билиб тураман.

— **Халқаро танловлар жаранларидан бир шингил...**

— Юракни «жиз» эттирадиган мавзуларни дафтарчамага қайд этиб юрдим. Чунки бизнинг соҳамизда кузатувчанлик энг би-

**Асарларим мендан ўн қарра кўпроқ мамлакатларни кезган десам, тўғри бўлади.**

ринчи ўринда туради. Бошқа ижодкор чизган расмларни қайта чизиб қўямаслигим учун ҳам бу нарса керак. Францияга борганимда кўргазма залларини ёлғиз айлиниб юргандим. Бегона жой, нотаниш одамлар. Дилим ёришмай юрди. Ўзбекистонни эслатадиган бир таниш нигоҳ ёки буюмга муҳтож эдим. Бирдан вужудим титраб кетди. Залда Ўзбекистон байроғини кўриб қолдим. Кўзимга ёш келди. Шошиб суратчини чақирдим ва байроқнинг ёнида суратга тушдим. Кейин билсам, иштирокчиларнинг давлат байроқлари ҳам залга қўйилган экан. Мамлакатни юксалтириш учун нима қилиш керак, деган саволга ҳар доим қисқасгина қилиб жавоб берарман: ҳамма ўз вазифасини чин дилдан бажариши керак. Ҳар биримиз дунёга чиқамиз, энг муҳими, нима билан ва қандай чиқишда...

**«Ўзбекистон овози» мухбири Бобур ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.**

## ТАДБИР

### Маънавият оиладан бошланади

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида Тошкент шаҳри маҳаллаларида фаолият юритаётган Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар ва бошқа масъулларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Маънавият оиладан бошланади» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда «Оила» илмий-амалий маркази, Миллий ғоя ва мафкура маркази, Дин ишлари бўйича кўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот бўлими, «Камолот» ЕИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Маънавият ва спорт ишлари вазирлиги вакиллари иштирок этди.

— Ўзбек халқига хос эзгу фазилатлар оила, маҳалла, кўни-кўшничилик муносабатларида яққол акс этади, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг етакчи мутахассиси Муҳиба Ҳамидова. — Пойтахтимизда 476 та маҳалла бўлиб, уларнинг ҳар бирида маънавий ишлар бўйича маслаҳатчилар тайинланган. Улар оилаларда, маҳаллаларда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, оила ва никоҳнинг моҳияти ҳамда қонунийлигини таъминлаш бўйича иш олиб боради. Ушбу тадбирда аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий рағбат кўрсатиш каби масалалар юзасидан фикр юритилди.

Тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастуриде белги-ланган вазифалар, хусусан, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббатни шакллантириш, ахлоқий ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш каби бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

## ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Мақсадимиз — қонун устуворлиги асосида хизмат қиладиган юксак маънавиятли малакали кадрлар тайёрлаш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик масъул ходимлари ва Академиянинг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

# Юксак салоҳиятли кадрлар

мамлакат тараққиётини белгилайди, унинг хавфсизлигини таъминлайди

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ИИВ Академияси ички ишлар идоралари учун малакали мутахассислар тайёрловчи етакчи олий таълим маскани ҳисобланади. Шу кунгача мазкур таълим муассасасида 10 мингдан ортиқ олий юридик маълумотли мутахассис, Олий академик курсларда 560 нафар раҳбар кадр, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида 10 мингдан ортиқ сержант кадрлар тайёрланди. Малака ошириш факультетида ички ишлар органларининг 20 мингдан зиёд ходими малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтдилар.

Академияда республика ички ишлар органлари учун «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» ҳамда «Эксперт-криминалистик фаолият» мутахассисликлари бўйича олий юридик маълумотга эга мутахассислар тайёрланмоқда. Шу билан бирга, Академияда ички

ишлар органлари учун раҳбар кадрлар тайёрловчи Олий академик курслар, Ички ишлар органлари офицерларининг малакасини ошириш факультети, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари фаолият юритмоқда.

Маскандан тингловчиларнинг замон талаблари даражасида таҳсил олишлари учун жаҳон андозаларига мос келувчи ўқув ва моддий-техник база яратилган. Матбуот анжуманида журналистларга Академияда ҳам жисмонан, ҳам маънан етуқ малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар ва келажақда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.


Оммавий ахборот воситалари ходимлари Академия ўқув-дала полигонлари бўлиб, бу ерда яратилган шaroитлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## «Равшан ЭРМАТОВ:

# Энг кучли ФИФА рефереси»

Яқинда «Янги аср авлоди» нашриётининг матбаа марказида ана шундай номдаги китоб тайёрланди, чоп этилди.



Ўзбек футболнинг шуратини жаҳонга танитган, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз истеъдоди билан дунёга танилиб, энг кучли ФИФА рефереси, деб тан олинган ҳамюртимиз Равшан Эрматовнинг спортдаги йўли, фаолияти, орзуниятлари кўпчиликни қизиқтиради, албатта. У футбол оламига қандай кириб келгани, ҳақамликка қандай

ҳавас қўягани, қайси халқаро мусобақаларда ҳақамлик қилгани каби маълумотлар ушбу китобдан ўрин олган.

Шунингдек, китобда футбол мутахассисларининг Равшан Эрматов фаолияти тўғрисидаги фикрлари, журналистларнинг суҳбатларини ўқийдиган мумкин.

Спорт журналистлари Дилшод Исроилов ва Шоҳайдар Мирҳабиров меҳнатлари эвазига яратилган бу китоб спорт мухлисларида катта қизиқиш уйғотади, деб умид қиламиз.  
**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА**

## ФУТБОЛ

## РЕКЛАМА

**“ФАРОВОНЛИК”**  
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

**“ФАРОВОНЛИК” - ОМАДИНГИЗ КАЛИТИДИР**  
2014 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг

10 дона Chevrolet  
10 дона KIA  
10 дона HONDA  
5 дона Tractor  
5 дона Tractor  
625 дона Hobon  
625 дона Hobon  
1025 дона PANDA FOTON  
625 дона Hobon  
1 112 735 та пул ютуқлари

**ЖАМИ 1 118 000 та ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛАРИ МАВЖУД**

**ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ РАҲИИ - 5000 СЎМ**  
Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларида сотиб олишингиз мумкин  
Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари

Қорақалпоғистон Республикаси 8-361-222-16-77	Кашқадарё вилояти 8-375-771-15-60	Сурхондарё вилояти 8-376-770-81-48
Андижон вилояти 8-374-228-46-20	Наманган вилояти 8-369-223-19-32	Сирдарё вилояти 8-367-221-01-50
Бухоро вилояти 8-365-223-85-53	Навоий вилояти 8-436-770-35-49	Фарғона вилояти 8-373-244-08-41
Жиззах вилояти 8-372-226-25-33	Самарқанд вилояти 8-366-210-02-46	Хоразм вилояти 8-362-770-57-00

Қўшимча маълумот учун 8-371-273-03-04  
www.agrobank.uz  
Лотерея билетларини биланга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади  
Хизматлар лицензияланган

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460  
1954  
nuxxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 20.50  
Topshirilgan vaqti — 23.00  
Sotuvda kellehlgan narxda

Navbatchi:  
Temur XUDOYBERDIYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV  
ISSN 2010-7633  
1 2 3 4 5